

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Кафедра: БОЛАЛАР ГОСПИТАЛ ХИРУРГИЯСИ ВА ОНКОЛОГИЯСИ

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ МАВЗУСИ:

**«БОЛАЛАРДА НЕКРОТИК ЭНТЕРОКОЛИТНИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА
ДАВОСИ»**

РЕЗИДЕНТ: Кулматов А.А.

Илмий рахбар:: доц.Хамидов Б.Х.

Ташкент-2010

ТошПМИ Болалар госпитал хирургияси ва онкологияси кафедраси
2-курс резиденти Қулматов Акмал Алмардоновичнинг
«Болаларда некротик энтероколитни диагностикаси ва давоси»
мавзусидаги магистрлик диссертациясининг

Аннотацияси

Мавзунинг долзарблиги: Некротик энтероколит - Янги туғилган чақалоқлар ва кўкрак ёшдаги болаларда кўп учрайдиган ва ўлим кўрсаткичи юқори бўлган оғир касаллик бўлиб, ичак тутилиши, оғир гемоколит, ичак деворини тешилиши, қорин пардани яллиғланиши, перитониал шок ва сепсисга олиб келувчи касаллик ҳисобланади.

Бу паталогия аксарият ҳолларда (90%) тана вазни 1500 г дан кам бўлган чала туғилган чақалоқларда учраб ҳозирги кунгача у янги туғилган чақалоқлар ошқозон-ичак тракти касалликлари ичида асосий ўринларни эгаллаб, интенсив даво ва жаррохлик муолажасини талаб этади. Янги туғилган чақалоқларда касаллик 23-43 % гача ичак резекциясига сабаб бўлиб, балалар амалиётида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

(А. В. Орипов, Е. Б. Ольхов, В. Е. Щитинин 2003 йил).

Ҳозирги кунда некротик энтероколитни эрта ташхислаш ва даволашга қарамасдан касалликни кўп учраши ҳамда касалликни асоратларини оғир кечиши ва ўлим кўрсаткичларини юқорилиги ҳали ҳанузгача муаммолигача сақланиб қолмоқда.

Ишдан мақсад: Болаларда некротик энтероколитни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини самарадорлигини ошириш.

Тадқиқот вазифалари: 1. Болаларда некротик энтероколитни ташхислаш ва даволаш усуллари ҳақидаги илмий адабиётларни ўрганиш.

2. Некротик энтероколит ташхиси билан 2005-2008 йилларда даволанган беморларни архив материаллари билан танишиш ва таҳлил қилиш.

3. Болаларда некротик энтероколитни ташхислаш ва даволашда замонавий ёндошувларни амалиётга тадбиқ этиш.

Текширув объекти: 2ШБЖШси ва РПЦда 2005-2008 йилларда некротик энтероколит ташхиси билан даволанган беморларнинг касаллик тарихи ва архив материалларидан фойдаланиш. 2009 йилларда мазкур касаллик бўйича даволанаётган беморларни чуқур таҳлил қилиш.

Текшириш усуллари: Клинико-лабараториявий, рентгенологик, эндоскопик, ультратовуш текширувлари (УЗИ).

Илмий ва амалий аҳамияти: Болаларда некротик энтероколит касаллигини муддатидан кеч аниқлаш ва ўз вақтида тўғри даволамаслиги оқибатида бемор болаларнинг ҳаётига хавф солувчи асоратларни келиб чиқиши ҳали ҳанузгача муаммолигача сақланиб қолмоқда. Буларнинг барчаси некротик энтероколитни замонавий текшириш усуллари қўллашни талаб қилади. Болаларда некротик энтероколитни эрта ташхислашни ва даволашни самарали усуллари ишлаб чиқиш ва кенг тавсия қилиш.

Кутилаётган натижа: Болаларда некротик энтероколитни ташхислашдаги камчиликларни тўлдириш ва даволаш усуллари самарадорлигини ошириш орқали кўзатилиши мумкин бўлган асоратларни камайтиришга эришиш.

2 курс резиденти:

Қулматов А. А.

**Илмий рахбар
т. ф.н доцент:**

Ҳамидов Б. Ҳ.